O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 13-sentabr • Shanba • 112 (27.917) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Пойтахтимиз юртимизнинг кўрки таровати ва халқимиз салоҳиятининг тимсоли, десак, бунинг учун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси астойдил жон куйдириши, уни эъзозлаб ардоқлаши ва у билан ифтихор қилиши даркор, шунда биз бошлаган ишлар чиройли якун топиши муқаррар».

АСРЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжон Республикасига расмий ташрифининг иккинчи куни ўзбек ва озарбойжон халқларининг маданий-маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирадиган муҳим воқеа рўй берди. Бокуда ғазал мулкининг султони, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали очилди, шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига улуғ аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек номи берилди.

Ушбу воқеага бағишланган тантанали маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари, адабиётшунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, шеърият ихлосмандлари, Озарбойжон жамоатчилиги вакиллари иштирок этдилар.

— Тўрт йил аввал Тошкентда Низомий ҳайкали очилган эди, — деди Ислом Каримов. — Эндиликда Бокуда Навоий ҳайкали қад ростлади. Халқларимиз Навоий ва Низомийни бирдек ҳурмат билан мутолаа қилиб, уларнинг ижодидан илҳомланиб яшайди, бир-бирини таржимонсиз тушунади. Бу бизнинг катта бойлигимиздир. Ўзбекистон кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Лекин Озарбойжон билан муносабатлар мана шундай маънавий яқинлик туфайли алоҳида ажралиб туради.

Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев бугунги кун икки мамлакат тарихида алоҳида ўрин олишини қайд этди.

— Озарбойжон халқи буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийни жуда яхши билади, — деди Озарбойжон раҳбари. — Унинг деярли барча асарлари озарбойжон тилига таржима қилинган. Навоий ижодиёти бутун Шарқ адабиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутади. Бокудаги Навоий ҳайкали ва Мирзо Улуғбек номидаги кўча асрлар давомида мустаҳкамланиб келган ва бугунги кунда юқори босқичга чиққан дўстлигимизнинг ёрқин рамзларидир. Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораверишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган «Улдуз» қароргоҳида Кавказ мусулмонлари идораси раиси Аллоҳшукур Пошшозодани қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида маърифий соҳаларда ҳамкорликни кучайтириш, динни ниқоб қилиб олган айрим ғараз ниятли кучларга қарши биргаликда курашиш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Президент Ислом Каримов Бокудаги Фахрий хиёбонга ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатларини ривожлантиришга, икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб Ҳайдар Алиев мақбарасига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Озарбойжон раҳбари ҳамроҳлигида Ҳайдар Алиев жамғармасига ташриф буюрди. Ислом Каримов жамғарманинг тарихи, фаолияти билан танишди. Озарбойжон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва давлатчилигини ривожлантириш йўлида беқиёс хизмат кўрсатган Ҳайдар Алиевнинг ҳаёти ва фаолиятига доир тарихий экспонатларни кўздан кечирди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида халқимизнинг озодлик учун курашган, ҳуррият йўлида жон берган фидойи фарзандлари хотирасини тиклаб, номларини абадийлаштириш йўлида улкан хайрли ишлар амалга оширилди. Озарбойжон раҳбарияти ҳам айни шундай йўл тутган. Боку сафари асносида Президент Ислом Каримов Шаҳидлар хиёбонида бўлиб, Озарбойжон халқининг жасур фарзандлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Президентлар таъкидлаганидек, ушбу ташриф икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларини ривожлантиришга интилиши муштарак, халқларимизнинг анъанавий дўстлиги мустаҳкам эканидан яна бир ёрқин далолат бўлди. Ташриф асносида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб, ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар очиши шубҳасиз.

Бугунги кун талабларидан келиб чиққанда, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик ҳамда темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлик ва комбинациялашган ташувларни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги битимлар муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ислом Каримовнинг ташрифи Озарбойжон оммавий ахборот воситаларида жуда кенг ёритилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. «Каспий IZ» Кавказ ва Марказий Осиёни этномаданий ва геосиёсий тадқиқотлар журнали Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатларининг тарихи, бугунги ҳолати ва истиқболларига атаб махсус сон нашр этди. «Azerbeycan», «Respublika», «Yeni Azerbeycan», «Ikki Sahil», «Азербайджанские известия» кундалик газеталари ташриф тафсилотларини тўла ёритиб борди.

Озарбойжон жамоатчилиги Бокуда Алишер Навоий ҳайкали очилганини мамнуният билан қабул қилди. Озарбойжон Рассомлар уюшмаси раиси Фарҳод Халилов бу борада қуйидагиларни айтди:

— Бокуда Алишер Навоий ҳайкалининг очилишида чуқур рамзий маъно мужассам. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «биз бир-биримиз билан таржимонсиз гаплашамиз» деган сўзлари айни ҳақиқатдир. Халқларимиз, қандай даврларни бошдан кечирмасин, ҳамиша ўзаро дўстлик ва қардошлик анъаналарига содиқ бўлиб келган. Навоий ҳайкали ўрнатилган ушбу майдон ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири ихлосмандлари учун муқаддас маскан, бошқача айтганда, қардошлик майдонига айланажак.

Ислом Каримовнинг Бокуга ташрифи Ўзбекистон ва Озарбойжон ҳамкорликнинг икки томонлама манфаатли ва узоқ муддатли стратегиясини изчил амалга ошириб бораётганидан, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро ишонч ва ҳурматга, азалий ва мустаҳкам дўстлик тамойилларига асосланганидан далолатдир. Шу маънода, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорлик мунтазам ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораверишига шубҳа йўқ.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Боку — Тошкент.
С.ЎРМОНОВ (ЎзА)
олган сурат.

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

ЁШЛИКНИНГ БЕТАКРОР ЛАҲЗАЛАРИ

Наманганда 16 ёшга тўлган йигит-қизларга тантанали равишда фуқаролик паспорти топшириш маросими бўлиб ўтди

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ва вилоят ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган тантанали маросим бу гал ҳам унутилмас мазмун касб этди.

Тадбир доирасида 150 нафар 16 ёшли йигит-қиз ота-оналари, ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари билан бирга вилоят марказидаги Хотира мажмуасига йиғилди. Ёшларни вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов табриклади.

Шу куни ёшларга фуқаролик паспорти билан бирга, Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асари, ЎзХДП вилоят кенгаши ва вилоят ички ишлар бошқармасининг махсус ёрлиқлари ҳам топширилди.

Ота-оналардан ўтмиш хотираларини эшитган ёшлар Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйиб, билдирилган ишонч, кўрсатилаётган ғамхўрликларга муносиб бўлишга ҳаракат қилаётганликларини таъкидлашди.

Маросим Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғидаги «Висол» тантаналар мажмуасида давом этди. Вилоят Маданият саройи қошидаги «Авлод» гуруҳи, Санъат коллежи талабалари томонидан тайёрланган концерт дастури, шунингдек, ёш хонандалар ижросидаги қўшиқлар ёшлар қувончига қувонч қўшди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА)
олган сурат

ФРАНЦИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «Франция — Ўзбекистон» сенат гуруҳи раиси Моник Папон хоним раҳбарлигидаги Франция Республикаси Сенати делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси, Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳамкорликка оид масалалар юзасидан музокаралар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар парламентаризм, савдо, иқтисодиёт, фан-таълим, спорт, маданият каби кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Биз Ўзбекистонни қадимий тарихи, бой мероси, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби шаҳарлари орқали яхши биламиз, — деди М.Папон. — Юртингизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистон қисқа давр ичида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакатингизда халқ фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Ҳамкорлигимиз йил сайин кенгайиб, мустаҳкамланиб бораверишига ишонамиз.

(ЎзА)

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

МУМТОЗ МЕЪМОРИЙ МАКТАБ

«Мустақиллик, асрагайман сени то абад!» туркумидан

Набираларимдан бирининг туғилган куни муносабати билан жам бўлишганидан суюниб, бирини опичлаб, қолганларини етаклаб, мамлакатимиз Бош майдони — пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонига олиб бордим. Роса яйрашди. Гоҳ майдоннинг рамзий дарвозасига қўйилган кўркам, улуғвор устунларга, гоҳ улар устида юртимизнинг кўкка парвоз этаётганига ишора бўлган озод турналарга, уларнинг ўнг ва чап қанотида — ўлкамиздаги тинчлик ва осойишталик тимсоллари — бир оёқда тин олиб турган лайлакларга бот-бот боқишиб, мени саволга кўмиб ташлашди.

— Ота, нега бошқа қушларни эмас, турна билан лайлакни ўрнатишган? — сўрайди бири.

— Турна ҳам, лайлак ҳам хайрли, хосиятли қушлар, болам, — дейман унга.

— Хосияти нимада? — сўрайди у яна.

— Улар қўнган жойга файз, барака, омад, бахт-саодат киради. Шунинг учун уларга ҳатто тош ҳам отилмайди. Улар эркин, эрка қушлар.

— Анави оппоқ, чиройли уй кимники, зўр экан фонта-анлари бор... — қизиқсинди яна бири.

— У бировнинг уйи эмас, у катта-катта мажлислар ўтадиган жой — Сенат, — дейман тушуниши учун соддароқ қилиб. — Анави тиллоранг узун бино — Ҳукумат уйи...

2-бет

ТАРАДДУД

Самарқандда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунни ўрганишга бағишланган семинар ўтказилди. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази ташаббуси билан ташкил этилган мазкур семинар шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган маҳалла оқсоқоллари сайловини демократик тамойиллар асосида ўтказиш, бу борада амалга оширилажак ишлар хусусида бўлди.

— Маҳаллага оқсоқол сайланишидаги муҳим босқич — бу сайловгача бўлган давр, яъни номзодларнинг кўрсатилиш жараёни ҳисобланади, — дейди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд минтақавий ахборот-таҳлил маркази етакчи илмий ходими, профессор Фарҳод Набиев. — Афсуски, аксарият ҳолларда биз бу жараёнга эмас, овоз беришга кўпроқ эътибор қаратамиз. Аслида номзод танлашда масъулиятли бўлиш керак ва албатта, обрў-эътиборли, барча-барчага ҳар томонлама намуна бўла оладиган инсонларни маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзод сифатида кўрсатиш лозим.

Шунингдек, ўқув-семинар давомида маҳалла оқсоқоллари, иштирокчилар томонидан турли таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Абдуғофур ШЕРХОЛОВ.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

МУМТОЗ МЕЪМОРИЙ МАКТАБ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Болалар майдон тўрига чопишди. Улар диққатини кўксига Ўзбекистон харитаси тасвири жо этилган Ер шари монументи ва гўдагини бағрида эркалаб турган Бахтиёр она ҳайкали тортди.

— Бу ким, ота? — сўрайди навбатдагиси.

— Бу — Ўзбекистоннинг меҳрибон ва оққўнгил оналарига қўйилган Бахтиёр она ҳайкали...

Сўнгра қуюқ арчазор бўйлаб, Майдонга туташ зиёратгоҳ — Мотамсаро она ҳайкали томон кетдик. Мен уларнинг «Бу ер нима учун зиёратгоҳ?», «Зарварақларга номлари ёзилганларнинг ҳаммаси урушда ҳалок бўлганми?» каби кўпдан-кўп саволларига жавоб берар эканман, майдоннинг яқин ўтмишдаги сийрати хаёлимда жонланди.

Бу бетон майдондан Октябрь байрами кунлари одамлар кўнглига ваҳима солиб танклар, ракеталар, катюшалар ўтарди. Ёзнинг жазирама кунлари бу ерда нафас олиш қийин бўларди.

Бугун атрофга нафислик ва нафосат таратиб турган мана шу қуюқ арчазору Эзгулик аркаси ўрни бетон плиталар, қоп-қора асфальт билан қопланган эди. Бахтиёр она ҳайкали ўрнида Ленининг баҳайбат ҳайкали бўлиб, унинг ёнидан аллақандай қўрқувми, масъулиятлаб жиддийлик ҳиссими бўлардики, кишилар сесканиброқ ўтишарди...

Бугун эса шоду хуррам кайфият, ғурур ва ифтихор туйғулари, бахт-саодат ва толедан қониқиш туғёнлари ҳукмрон.

Нақадар ўзгариб кетди замон ҳам, одамлар ҳам, Тошкент ҳам...

БИТИКЛАРДАН САТРЛАР

Шу ҳислар билан уйга қайтдим-у, салкам 25 йиллик ижодий «захирам»ни — йиллар оша ёзиб қўйган битикларим, тўплаган «архив»ларим ва тўлдирган блокнотларимни титкилашга тушдим. Улардаги «Пойтахт қурилиши ҳавозалари» деб номланган саҳифаларда қайд этилган сатрларга кўз ташладим.

«**1991 йил.** Ўзбекистон Миллий боғи ёнида катта тантаналар уйи («Наврўз» ресторани ҳам!) ишга тушди. Миллий боғ яна 100 гектарга кенгаядиган бўлди. Боғ тўрида ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали.

ИЗОҲ: *1991 йил 28 сентябрь куни Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган мазкур боғ ва ҳазрат Алишер Навоий ҳайкалининг очилиши Тошкентдаги беқиёс ўзгаришларнинг* ***муқаддима****си эди. Миллий боғ деганда одатда кўпчилик сунъий кўлу мовий гумбазли муҳташам обида — мутаффакир Мир Алишер Навоийнинг улуғвор ҳайкали ва ҳар йили мамлакатимизда Наврўз, Мустақиллик байрами тантаналари бошлаб бериладиган кўркам сайлгоҳни кўз олдига келтиради. Ҳолбуки, яқин йиллар ичида 100 гектардан ошиши кўзда тутилган Миллий боғ Бешёғоч майдонидан бошланиб,* ***Бунёдкор*** *шоҳ кўчасига уланади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг муаззам биносию унга туташ сунъий кўл, фавворалар мажмуи ва кўҳна Абулқосим мадрасаси ҳам шу ҳудудда...*

Ҳозирги ёшлар ўн олти-ўн етти йил илгари бу ерларда қишин-ёзин лой, чанг Фурқат кўчасининг Ҳадрагача бўлган қисмининг бошланиши-ю, пастқам-пастқам гувала кулбалар, кўримсизгина кинотеатр, бефайз ошхона, сув дўкони, икки-уч жойда пивохоналар бўлганини билишмайди, албатта.

1992 йил. 3 миллион 634 минг квадрат метр йўл ва йўлак, хиёбонлар таъмирланди. 245 километр узунликда суғориш тармоқлари тартибга келтирилди. 11 та бозор тубдан қайта қурилди...

Юртбошимиз таклифи билан 2010 йилгача бўлган даврда ва истиқболда Тошкентни таъмирлаш ҳамда ривожлантириш режаси ишлаб чиқилди: бири-биридан гўзал, шинам, халқаро андозаларга мос кўркам бинолар, кенг, равон йўллар — Катта ҳалқа йўли, Кичик ҳалқа йўли, маҳобатли кўприклар... Замонавий мактаблар, лицейлар, коллежлар, савдо марказлари, бозорлар, шифохоналар, олий ўқув юртлари, маданият муассасалари, кинотеатрлар, спорт иншоотлари, автобекатлар, сайилгоҳу истироҳат боғлари...

Ҳамма-ҳаммаси қайтадан бошланди. Эски шаҳарни қайта қуриш бўйича энг яхши лойиҳа танловининг ўзига 470 миллион сўм (ўша давр пули салмоғи билан) ажратилди.

1993 йил. «Туркистон» маданият саройи (3600 ўринлик ёзги томошагоҳи билан) қад кўтарди. 10 та теннис майдонига эга «Ўзбекистон» («Юнусобод») спорт мажмуи ишга тушди. 167 гектар майдон кўкаламзорлаштирилди. Аҳмад Дониш кўчасида 1151 метр узунликдаги улкан кўприк қисқа муддатларда қурилиб, фойдаланишга топширилди...

ИЗОҲ: *ўша йилнинг августида Тошкентнинг қоқ ўртасида, таъбир жоиз бўлса, нақ юрагида, марказий хиёбонда буюк бобокалонимиз Амир Темурга ҳайкал ўрнатилди. Унга туташ ва ёндош кўчалар қайта таъмирланди. Кейинчалик хиёбон теграсида барпо этилган Темурийлар тарихи давлат музейи, фавворали ҳовуз, кенг ва ям-яшил сайлгоҳ бугун яхлит бир ансамблни эслатади. Нафсиламбрни айтганда, буларнинг ҳаммаси осонликча бўлмади ҳам...*

1994 йил. Эски Жўвада юзлаб ҳунармандчилик дўконлари, савдо расталари тикланди. «Чақар», «Қоратош», «Кўмирчи» маҳаллаларида 5 мингдан зиёд ҳовли тўйлари ўтказилди. Зарқайнар, Уйғур кўчалари ва Хадра майдони қайта таъмирланди. Фурқат, Қорасарой, Бешёғоч, Катта боғ кўчаларида замонавий кўприклар, ер ости ва ер усти ўтиш йўллари барпо этилди...

ИЗОҲ: *Эски шаҳар аҳолиси мустақилликка қадар кўп қийинчиликлар кўрди: Лойсувоқ уйлар, боши берк торкўчалар, ичимлик сув ва табиий газ таъминотидаги чекловлар...*

Шундай аҳволдаги Эски шаҳарни айланиб кўрган давлатимиз раҳбари таъкидлаган эди: **«Тошкентни Тошкент қиладиган, унга файзу тароват бағишлайдиган қадимий шаҳримизнинг даҳалари, маҳаллалари, дарвозалари, десак, хато бўлмайди. Эски шаҳар — қадимийлик, миллийлик тимсолидир».**

Даставвал Сағбон, Қорасарой, Чимбой, Ғафур Ғулом, Фаробий номидаги кўчаларнинг эгри-бугри, паст-баланд, ўнқир-чуқур тор кўчалари ҳаракат қатновига кўра икки-уч баробар кенгайтирилди. Кенг, равон, баҳаво магистрал йўллар солинди. Жамоат транспортининг барча турлари, жумладан, троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Йўлларнинг икки четида ям-яшил майсазорлар, пиёдалар учун махсус йўлаклар барпо этилди. 167 гектардан зиёд майдон кўкаламзорлаштирилди. 70 га яқин маҳаллада гузарлар, юзлаб тижорат дўконлари, чойхоналар ишга туширилди. 5 мингдан зиёд хонадон табиий газ, ичимлик суви, телефон ва канализация тармоқларига уланди. «Чорсу» бозори қайта таъмирланди. Теварагида ҳунармандчилик ва ўймакорлик дўкон-расталар иш бошлади.

Ҳудуднинг Чақар, Қоратош, Кўмирчи, Каллахона маҳаллаларида янги турар жой бинолари тикланди. 5 мингдан зиёд хонадон замонавий уй-жойларга кўчиб ўтди. Зарқайнар, Уйғур кўчалари мукаммал таъмирдан чиқди...

Бугунги авлод тасаввур ҳам қилмаса керак, Чорсунинг кун ботар томонида тубсиз, ваҳимали жарлик бўларди. Ҳозир унинг ўрнида — кўркам ва серфайз «Жар» спорт мажмуи...

Булар ҳали улкан бунёдкорликнинг бошланиши эди...

ЯНГИ ҲАВОЗАЛАР

Яна хаёлан кейинги йиллардаги йирик қурилиш ҳавозаларига сафар қиламан: кўз олдимда мангуликка дахлдор Хотира майдони ва «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуалари. «Интерконтинентал», «Марказий», «Гранд Мир», «Пойтахт», «Ле-Меридиан» сингари ўнлаб халқаро андозадаги «юлдуз»ли меҳмонхоналар. «Динамо» теннис ўйингоҳи, Ёпиқ сузиш ҳавзаси, «Гольф клуб», «Миллий банк — Осиё» каби салобатли спорт иншоотлари...

Ҳар бир юртнинг кўзгуси — бозор деганларидек, кўплари таъмирланди, кўплари янгидан барпо этилди: Олой, Эски Жўва, Бешёғоч, Миробод, Юнусобод, Фарҳод, Паркент, Янгиобод, Қўйлиқ, Ибн Сино, Кўкча, Аҳмад Дониш, Ширин...

ИЗОҲ: *шу кунларда Миробод бозорига йўлингиз тушса, Миробод (собиқ Сапёрний) кўчасига чиқиб, кунботар томонга разм ташланг. Мустақилликнинг 17 йиллиги тантаналари ўтиб бўлган бўлса-да, ажиб бир манзара: турфа рангдаги электр чироқларининг турфа тизмалари, бири-биридан ўзган супермаркетларда гавжум савдо-сотиқ...*

Ва яна ўша йили азим пойтахт бағрида қад ростлаган (ўғил-қизларимизу набираларимизнинг ўйнаб-кулишлари, соғлом ва дуркун ўсишлари учун) «Аквапарк», «Диснейленд», Ҳайвонот боғи, сунъий кўллар, фавворалар, Мирзо Улуғбек боғи...

1996 йил. Юртбошимиз Фармони билан ташкил этилган собиқ «Тошкентуйжойжамғармабанк» жамоаси пешма-пеш тиклаган замонавий уйларга 6 мингдан зиёд оила кўчиб кирди.

Шаҳарнинг қишин-ёзин ям-яшил, баҳаво ҳудудлари сўнгги йилларда 150 гектарга кенгайди. Шу йил кўкламда шаҳар бағрига 2 миллион тупдан зиёд турфа хил дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Улар орасида миллий дов-дарахтларимиздан тортиб, хорижий ўлкаларда ўсадиган эман, ясен, каштан, оқ қайин, арча, липа, писардия — ҳаммасидан бор...

Нов-ниҳол меҳр ва парвариш бўлса, жой танлаб ўтирмас экан. Азал-азалдан бағри меҳр ва мурувватга тўла Тошкент чиройи янада чирой очиб, файзига файз қўшилди, кўркидан нур ёғилди...

ИЗОҲ: *Биргина Мирзо Улуғбек боғига бир саёҳат қилинг. Салор каналининг ўзанида жойлашган бу истироҳат боғи қайта таъмирдан сўнг, тамомила ўзгача қиёфа касб этди. Ҳозир канал боғ оралаб оқмоқда. Унинг юқори қисмида қайроқтош терилган жимжимадор ариқлар, шаршаралар, фавворалар, пастроқда эса сунъий кўл ва мўъжазгина оролча. Улар боққа зийнат бериб қолмай, иқлимни мўътадиллаштириб турибди. Турфа аттракционлар, томошагоҳлар, кўргазма майдонлари, чойхона, музқаймоқ дўкончалари, футбол майдони, теннис корти ёшлар — болакайлар тасарруфида. Арча, эман, ясси, оқ қайин, липа, каштан, писардия олхўриси, сариқ тол ва қийғос очилган турфа гуллар қатори Кунчиқар мамлакат — Япония элчихонаси тақдим этган ва бугунги кунда шиғил-шиғил ҳосил бераётган сакура дарахтлари... ўзимизнинг шотут, ўрик, ёнғоқ, жийда...*

Ижод жомадонимни яна титкилаб, **2008 йилларгача** бўлган давр оғушига кираман-у, Пойтахт жамолига хаёлан нигоҳ ташлайман. Ана, метронинг янги Юнусобод йўналиши, Кичик ҳалқа йўлининг биринчи, иккинчи, учинчи босқичларида бажарилган ишлар якунлари, миллий ва жаҳон меъморчилигининг ёркин намунаси — Ўзбекистон Давлат консерваторияси...

Янги ва кўркам биноларда иш бошлаган Миллий академик ва Рус академик драма театрлари, 90 дан зиёд касб-ҳунар коллежлари, 35 га яқин лицейлар, янгидан ўнлаб мактаблар ва яна қанчадан-қанча турли хил ихтисослашган илм масканлари. Миллий Банк, халқаро Бизнес маркази, Банклар ассоциацияси, шаҳар ҳокимлиги биноси, янги-янги маҳаллалар, гузарлар, хиёбонлар, Ёшлар ижод саройи, Санъат институтининг янги биноси...

Маҳобатли кўприкларнинг ўзидан ўндан зиёди қурилди. Юнусобод йўналиши бўйлаб Амир Темур кўчаси узра «белбоғ» — Хидирали Эргашев ва Ҳусниддин Асомов номли кўчаларни бир-бирига туташтирган чорраҳада бунёд этилган муҳташам иншоотни бир кўз олдингизга келтиринг!

2005-2007 йилларда қуриб ишга туширилган Катта ва Кичик ҳалқа йўлларида барпо этилган ўнлаб муаззам кўприкларни бир эсга олинг: Шофоиз маҳалласи ёнида Генерал Узоқов кўчаси билан Маннон Уйғур кўчаси кесишган чорраҳада, Собир Раҳимов метроси атрофида, Сергелига боравершда Термиз — Тошкент — Фарғона йўли устида қурилган кўприклар, айниқса, тенгсиз ва беқиёсдир.

ИЗОҲ: *Генерал Узоқов кўчаси билан Маннон Уйғур кўчаси кесишган чорраҳада кўприк — автомобиль йўл ўтказгичи қурилиши бошланган кезларда, таҳририят топшириғи билан бориб, нафақат бу иншоот тўғрисида, балки шаҳар ичини кесиб ўтадиган Кичик ҳалқа йўлининг аҳамияти ҳақида репортаж ёзганим ёдимда.*

Бу йўл жуда қисқа вақт ичида пойтахт ички транспорт магистралининг ўзак томирига айланди. Дастлаб ишга туширилган 35 километр йўлнинг ўзида учта муаззам кўприк мавжуд. Буюк Ипак йўли, Паркент ва Пушкин кўчаларида қад ростлаган бу кўприклар ўнлаб кўчаларнинг асосий йўналишларини бир-бирига боғлаш имконини беради. Эни 32 метр, саккиз қаторли йўл — машиналар ҳаракати эмин-эркинлигини таъминлайди.

Яқинда Шимолий вокзал ёнидан ўтдим. Тўғриси, бу ерда кетаётган қурилиш жараёнини шу пайтгача юзаки билар эканман, бориб ичига кирмаган эканман. Иншоотда иш кечаю кундуз давом этмоқда. Қурувчиларнинг шовқин-суронию трактор, бульдозер, кўтарма кран, самосвал ва бетон қориш машиналари ҳайқириғи бир зум тинмайди...

Ҳамид Мирсолиҳов (собиқ Сарикул) кўчасидан ўтган темир йўл кўприги бугун-эрта ишга тушиш арафасида. Кўприк устидан дастлабки техник-синов поездлари ўта бошлади. Ўтган аср бошларида — юз йилдан кўпроқ хизмат қилган эски кўприк бугунги кун талабларига жавоб беролмай қолгани учун ҳукуматимиз ва Тошкент шаҳар ҳокимияти қарори билан бошланган мазкур янги кўприк қурилиши бугун-эрта тўла фойдаланишга топширилади.



Агар вақтингиз бўлса, шу кунларда шаҳар марказидан Юнусобод даҳасига олиб борувчи Амир Темур кўчасида давом этаётган бунёдкорлик ишларини кузатинг. Ўртадан ўтган темир излар янгидан ўрнатилиб, йўл саҳни янада кенгайтирилмоқда, атрофлари кўркамлаштирилиб, катта ободончилик ишлари амалга оширилмоқда.

ШАРҚ ГАВҲАРИ

Гўзал Тошкентимиз «Ислом маданиятининг пойтахти» деган шарафга муяссар бўлганининг ўзи ғоят қувончли ҳодиса эмасми?! Пойтахтимизга бундай мартаба — зътироф бежизга берилгани йўқ. Эски шаҳар деб аталган ғўшадаги Хастимом ўрнида вужудга келган йирик меъморий ансамблни бир кўз олдингизга келтиринг! Бу обод ансамблга ҳар куни, ҳар соатда келиб турган зиёратчилар ва хорижий сайёҳларни лол қолдираётган муаззам иншоотлар, тарихий обидалар ва диний ҳамда миллий қадриятлар намуналари мадҳига тил ожиз, қалам ожиз.

Яна нима дей, нима ёзай, кўҳна Шош — навқирон Тошкент! Айтаверсак, сенинг таърифинг достонларга сиғмайди. Сенинг серқуёш диёримиз кўрку тароватини намоён этаётган бири-биридан файзли иншоотларинг, ям-яшил оғушларинг бутун Ўзбекистон учун фахру фарахдир. Жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнинг, обрўйинг, нуфузинг, «Тошкент — Шарқ дарвозаси», «Тошкент — тинчлик шаҳри», «Тошкент — Ислом маданиятининг пойтахти» дея олган шарафли унвонларинг — ҳаммасиҳаммаси биз учун ғурур, ифтихор. Ҳар қанча таърифласак, шарафласак, улуғласак оз. Юртимизга келиб-кетаётган ҳар бир инсон борки, жамолингга ҳайрат ва ҳавас билан қараяпти. Кўз тегмасин!

Мана, масалан, испаниялик Мауро Дестижи айтибди: *«Тошкентдаги Мустақиллик майдонининг гўзаллиги ва тароватини таърифлашга сўз ожиз. Мазкур майдон, Мустақиллик майдонининг Мустақиллик ва эзгулик монументи, бинолар ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан мамлакатингизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятидан дарак бериб турибди. Улар халқингизнинг ғурур ифтихорини янада юксалтиришга хизмат қилишига шубҳа йўқ».* («Халқ сўзи», шу йил, 6 август.)

Ҳиндистонлик Динеш Синг эътирофи: *«Тошкентга келиб, қадимий ва навқирон пойтахтингизнинг таровати, хушманзара табиати, файзли ва сўлим боғларини кўздан кечириш имкониятига эга бўлаяпман. Мамлакатингизда келаси йили дунё илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб эътироф этилган азим Тошкентнинг 2200 йиллигини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бунга ёркин мисолдир.*

Пойтахтингиз, айниқса, Мустақиллик майдони ҳар қандай кишини лол қолдиради. Ям-яшил майдон ва мўъжизакор бинолар кишида эзгу-ҳислар ва ҳавас уйғотади. Мустақиллик ва эзгулик монументи, Бахтиёр она ҳайкали мамлакатингиздаги тинчлик, барқарорлик ва бахтиёрлик, буюк келажакка бўлган қатъий ишонч тимсолидир». (Ўша газета, ўша сон).

Ҳа, истиқлолдан сўнг Ўзбекистон халқининг ва унинг она юрти остонаси — Тошкент шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгарди, яшарди, гўзал ва мафтункор шаҳарга айланди. Лекин булар ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Шунга яраша меҳнат, ғайрат қилинди, жасорат кўрсатилди.

Тошкент Юртбошимизнинг собит эътибори, меҳр-муҳаббати ва ташаббуси билан Шарқнинг чинакам гавҳарига айланди. Бу ерда ўзига хос мумтоз меъморий мактаб яратилди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ЯКУН ВА ВАЗИФАЛАР

Бухоро вилоят партия кенгашида бўлиб ўтган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими семинарлари ташкилотчилари, раҳбарлари, партия кенгашлари тарғибот гуруҳлари аъзоларининг ўқувида муҳокама этилди

Даставвал сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида 2007-2008 ўқув йили якунлари муҳокама этилди. Бу ҳақда вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева маълумот берди.

— ЎзХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида ўтган машғулотларга партиямиз Марказий Кенгаши, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро минтақавий ахборот-таҳлил маркази ходимлари, Бухоро Давлат университетининг профессор-ўқитувчилари жалб қилинди, — деди у. — Аммо, ҳамма туманлар, БПТда машғулотлар юқори савияда ўтди, дея олмаймиз. Айниқса, Олот, Жондор, Когон, Ромитан туманларида бу борада камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилди. Тарғиботчилар учун қўлланмалар етарли бўлмади. Туман партия кенгашларидаги ахборот-ресурс марказлари фаолияти, улардаги адабиётлар бу ўқувларда муҳим аҳамият касб этиши яққол кўзга ташланди. Демак, тизимдаги мазкур муаммоларни тўла ҳал этиш, АРМларни адабиётлар билан янада бойитиш зарур. Янги ўқув йилида юқоридаги нуқсонлар такрорланмаслиги даркор.

Тадбирда Олот туман партия кенгашининг бошланғич ташкилотларда таянч ўқув тизимини шакллантириш бўйича амалга оширган ишлари сарҳисоб қилинди. Гарчи туман партия кенгаши «Ўзагросуғурта» туман бўлими ва бошқа БПТда тажриба тариқасида машғулотлар ўтказган бўлса-да, уларда тингловчилар фаоллиги кўзга ташланмаган. Баҳс-мунозара, савол-жавоб, фикр-мулоҳаза алмашувлар етарли бўлмаган. Баъзи семинарлар бўйича тингловчиларнинг аниқ рўйхати, журнал, таклиф-мулоҳазалар қайд қилинган баённомалари талаб даражасида расмийлаштирилмаган.

Шундан сўнг Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро МАТМ раҳбари Шуҳрат Бафоев, филиал ходимлари Аброр Ҳусанов, Ботир Норбоевлар «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият», «Сиёсий партиялар замонавий демократик ва фуқаролик жамиятининг асоси сифатида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлар» мавзуида маърузалар қилдилар.

— Биз бу ўқувдан кўп нарса олдик, — дейди Шофиркон туманидаги Қалликқон қишлоқ фуқаролар йиғини БПТ тарғиботчиси Искандар Ёдгоров. — Хусусан, давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти борасида етарли тушунчага эга бўлдик. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий меъёрлар, бу борада мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар таҳлил қилинди. Ўйлайманки, бу — янги ўқув йилида машғулотлар самарадорлигини оширишда асқотади.

— Бугунги муҳокама ўтган йилги фаолиятимиздан тегишли хулосалар чиқариб олишга имконият яратди, — дейди Олот туман партия кенгаши раиси ўринбосари Ҳасан Қурбонов. — Янги ўқув йилида машғулотларни юқори савияда ташкил этиш мақсадида етарли билим ва тажрибага эга бўлган тарғиботчиларни саралаб олишимиз ва улар имкониятларидан самарали фойдаланишимиз зарур.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон ХДП Янгиариқ туман кенгаши «Ёшлар камолоти — юрт истиқболи» мавзуида давра суҳбати ташкил этди. Тумандаги 29-мактаб негизида ўтказилган тадбирда «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, ЎзХДП туман кенгашининг ўқув муассасаси жамоаси билан ҳамкорлиги ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, битирувчи ёшларни касбга йўналтириш ва иш билан бандлиги масалалари иштирокчилар диққат марказида бўлди. Бу йўналишда партия Жамоатчилик қабулхонаси ва депутатлар иштирокини кучайтириш ҳақида таклифлар билдирилди.

✧✧✧

Хонқа қурилиш касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон ХДП туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан «Ёшлар йили» Давлат дастурини бажаришда йигит-қизларнинг иштироки масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда ёшлар ўз мутахассисликларини мукаммал эгаллашлари, назарий қўникмаларни амалиётда қўллаш учун ёзги таътил вақтида устоз-шогирд анъаналари асосида фаолият юритгани ва орттирган тажрибалари ҳақида фикр алмашдилар.

— Албатта, бизга берилаётган эътибор, яратилаётган шароитлар келажагимизни ўз қўлимиз билан яратиш иштиёқини кучайтиради. Қолаверса, бу йўлда устозларимиз, ўқув юрти жамоаси, жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ёзги таътил даврида бизни турли касб-ҳунарларни эгаллашга йўналтиргани жуда қўл келди, — дейди коллеж талабаси Райҳона Машарипова.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши, Паҳлавон Маҳмуд номидаги хайрия жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда Урганч туманидаги «Паҳлавон» болалар спорт мажмуасида мусобақа ташкил этди. Марҳум мураббий Умида Юсупова хотирасига бағишлаб ўсмирлар ўртасида ўтказилган I вилоят очиқ турнирида йигит-қизлар спортнинг қатор турлари бўйича беллашдилар. Белгиланган номинацияларда ғолиб ёшлар ташкилотчилар томонидан мукофотланди.

— Шу каби мусобақалар бизни юксак марраларга чорлаши билан бирга, бўш вақтимизни мазмунли ўтказишга, спортга қизиқишни ошишига хизмат қилади. Ташкилотчиларнинг қўллаб-қувватлаши биз учун янги марраларни забт этишда мадад бўлади, — дейди мусобақа ғолиби Бобур Назаров.

✧✧✧

Нишон туман партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида мамлакатни демократик модернизациялашнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, туман кенгашидаги депутатлик гуруҳининг электорат манфаатини ҳимоялаш борасида ташаббускорлигини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Хўжақул Махсимов Ўзбекистон ХДП Нишон туман кенгаши раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ ҚЎЛЛАНМА

Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ва қонунлар сифатини ошириш объектив заруратдир. Шу жиҳатдан қараганда, энг аввало, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш ва тизимлаштириш, қолаверса, унинг мукаммал рўйхатини тузиш амалий аҳамиятга эга. Президентимиз таъбири билан айтганда, жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий базасини ташкил этувчи **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш** давр талабидир.

Маълумки, ислоҳотлар кўп қиррали ва тадрижий жараёндир. Миллий қонунчилик тизимини яратиш борасидаги энг асосий вазифа бу — мустаҳкам ва самарали қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш, уларни амалда татбиқ этишни таъминлаш, мансабдор шахслар ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқаро ва давлатнинг ҳуқуқ, мажбуриятларини аниқ белгилаб беришдан иборатдир.

2005 йилнинг январь ойидан мамлакатимизда икки палата — Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат Олий Мажлис ўз фаолиятини бошлади. Шуни таъкидлаш жоизки, қисқа муддат ичида парламент томонидан мамлакатдаги демократлаштириш жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, жамиятни янгилаш ва мамлакатни ислоҳ қилиш, ривожлантириш борасида оламшумул аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Жумладан, 171 дан ортиқ қонун қабул қилинди ва тасдиқланди, қонунларнинг ижроси устидан назорат-таҳлил ишлари амалга оширилди, ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, қонунчилик фаолиятини янада ривожлантириш борасидаги долзарб масалаларга бағишланган илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини ижрочи ва аҳолига ўз вақтида етказиш мақсадида амалий чоралар кўрилмоқда.



Шуни қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида фақатгина миллий қонунчилик тизимига асос солинибгина қолмай, балки қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш технологияси ҳам тубдан ўзгарди.

Шу билан бир қаторда, қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, айниқса, уни ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш объектив зарурат ҳисобланади. Ушбу заруратни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан **«Ўзбекистон Республикасининг Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари рўйхати»** тўплам шаклида тайёрланди.

Ушбу тўпламнинг тайёрланиши нафақат амалий эҳтиёж, қолаверса, «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 33-моддаси ижросини таъминлашга ҳам хизмат қилади, десак, муболаға бўлмайди. Чунки, ушбу модда талабига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш марказлашган тарзда йиғиш, рўйхатга олишдан, уларнинг фондларини ҳамда бу ҳужжатлар ҳақидаги марказлашган ахборотларни яратиш ҳамда назорат ҳолатида сақлаб туришдан иборатдир. Шу сабабли, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олишда нафақат уни йиғиш ва рўйхатга олиш, балки уларни назорат ҳолатида сақлаб туриш уни амалиётда қўллашнинг муҳим гаровидир.

Тўпламни тайёрлашдан кўзланган асосий мақсад, энг аввало, қонун ижодкорлиги фаолиятида ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ундан самарали фойдаланишга эришишдан иборат. Бундай тизимлаштириш асосида миллий қонун ҳужжатларининг рўйхати тузилганлиги, уларнинг эълон қилинган манбаси кўрсатилган ҳолда ифода этилганлиги амалиётда қўллашга ёрдам беради. Энг муҳими, янги қонунларнинг моҳиятини тушунишда, уни ижрочи ва аҳолига етказишда тўпламдаги миллий қонунчиликка оид манбалардан фойдаланилиши мамлакатимизда демократик жараёнларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришда, ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг хусусиятларини инобатга олиб, уни ривожлантиришда муҳим қонунчилик базаси бўлиб хизмат қилади.

Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ҚАРАҚАЛПАҚ КИМ-ЗИЯТ САУДАСИ» МЧЖ КИМОШДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

2008 йил 13 октябрь куни соат 12.00 да кимошди савдоси комиссияси иштирокида, мулкни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ кимошди савдосига қуйидаги корхонанинг молмулклари қўйилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида жойлашган, хўжалик суди қарори билан банкрот деб эътироф этилган «Мўйноқ балиқ консерва комбинати» ОАЖ молмулклари мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 625 403 000 сўм.

Кимошди савдоси Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 129-А уйда жойлашган мажлислар залида бўлиб ўтади.

Савдода қатнашиш учун аризалар шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 112-уй, «Бизнес маркази» биноси, 4-қават, 410-хонада қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилиш кимошди савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Харидорлар кимошди савдосида қатнашиш учун объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлашлари шарт.

Закалат пули «Қарақалпақ ким-зият саудаси» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк», Нукус шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000804526405001, МФО-00621, ИНН 206718234, ОКОНХ 84200 ўтказилади.

Маълумот учун тел/факс: 8 (361) 222-00-84.

ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Навоий шаҳрида «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Экосан» халқаро ташкилоти, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган бу танловдан мақсад — ёш оилаларни ижтимоий ҳимоялашда маҳаллаларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллигини янада оширишдан иборат.

Танловда шаҳар ва туманларда ғолибликни қўлга киритган маҳалла фуқаролар йиғинлари қатнашди. Аввало, уларнинг фаолияти, жойларда олиб борилган хайрли ишларни ўзида акс эттирган фотоальбомлар, стендлар, диаграмма ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тақдим этилди.

Нурота туманидаги Султон Бўронов раислик қилаётган «Нуротанинг 60 йиллиги» маҳалла фуқаролар йиғини танлов ғолиби деб топилди ва пойтахтда ўтадиган сўнгги босқичга йўлланма олди.

Ўз мухбиримиз

ҲУКУМАТ БЎЛИБ ОЛИНАДИ

Зимбабве ҳукумати ва мухолифат ҳукуматни бўлиб олиш бўйича келишувга эришди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС.

Бу ҳақда Жанубий Африка Республикаси президенти ва Африка Иттифоқининг Зимбабведаги тангликни бартараф этиш учун тайинланган вакили Табо Мбеки маълум қилди. Унинг айтишича, томонлар келишув ҳақида битим имзолаган ва янги ҳукумат таркиби душанба куни эълон қилинади.

Эслатиб ўтамиз, мухолифат етакчиси Морган Цвангирай мамлакат президенти Роберт Мугабе фақат расмий президент бўлиб қолсагина бош вазир лавозимини қабул қилишини айтганди. Мугабе эса ҳокимиятни топширишни истамаётган эди.

ЧАВЕС АҚШНИ ОГОҲЛАНТИРДИ

Венесуэла президенти Уго Чавес АҚШ элчиси уч кун ичида мамлакатни тарк этиши ҳақида қарор қабул қилди, деб хабар беради ахборот агентликлари.

Президент бунга АҚШнинг Эво Моралес бошчилигидаги Боливия ҳукуматини ағдаришга қаратилган ҳаракатларини сабаб қилиб кўрсатди. Шунингдек, у Венесуэланинг Вашингтондаги элчисини чақириб олиш тўғрисида ташқи ишлар вазирига кўрсатма берган.

Уго Чавес АҚШ ҳукумати таркиби ўзгарган тақдирдагина элчини қайтариб юборишини ва АҚШ Венесуэлага таҳдид қилса, бир томчи ҳам нефть ололмаслигини маълум қилди.

НОЎРИН ТАДҚИҚОТ

Японияик олимлар тадқиқот ўтказиш учун минглаб китларнинг ҳаётига зомин бўлди.

Бу ҳол маҳаллий маъмуриятни ташвишга солмоқда. Корреспондент.net сайтининг ёзишича, олимлар 6779 та кит овлаб, ундан 4,5 мингдан ортиғини тадқиқот учун ўлдирган. Олимларнинг таъкидлашича, тадқиқот ўтказишдан мақсад китларнинг ёғ қавати камайиш сабабини аниқлашдир. Ёғ китлар учун ҳам озуқа, ҳам совуқдан ҳимоя вазифасини ўтайди.

1986 йил Япония кит овлашни таъқиқловчи мораторийга қўшилган. Лекин мутахассисларнинг айтишича, тадқиқот ишлари рўкач қилиниб, кит овлаш давом этмоқда.

ИСПАНИЯ РАД ЖАВОБИНИ БЕРДИ

Испания Конституцион суди басклар давлатининг ҳудудий етакчиларининг Испаниядан ажралиб чиқишга доир сўровнома ўтказишига рад жавобини берди.

РИА Новости хабарига кўра, суд шу йилнинг 25 октябрида баск ҳукумати раҳбари Хуан Хосе Ибаррече ташаббуси билан ўтказиши режалаштирилаётган сўровномани қонунга хилоф деб эътироф этган. Суд аъзоларининг айтишича, референдум ўтказиш фақат ҳукумат ваколатига киради.

2008 йил 28 июнь куни басклар мухторияти парламенти 2010 йил Испаниядан ажралиб, мустақил ҳудуд бўлиш учун замин яратувчи сўровнома ўтказиш ҳақида қарор қабул қилганди. Испания марказий ҳукумати басклар ларнинг мазкур қарори устидан Конституцион судга шикоят қилган. Ўз навбатида басклар мухторияти Испания устидан Страсбургдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича судга шикоят қилишга аҳолини ундашини маълум қилди. Мухториятнинг вакилларининг фикрича, «референдум ўтказишни ман этиш Европа инсон ҳуқуқлари Конвенциясига зид.

Басклар давлати аҳолиси 2,1 миллион кишидан иборат.

Саломатлик — туман бойлик

ЧИРОҚЧИЛИК ШИФОКОРЛАР АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар ва саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш даражаси янада яхшиланмоқда. Бу борада Чироқчи туманида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Яқинда туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги муассасалар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида даволаш масканларида бўлдик.

— Замон талаблари даражасида қурилган икки қаватли ҳашаматли биномизни шошилинч тиббий ёрдам хизматига, яъни, шошилинч тиббий ёрдам бўлимига ажратганмиз, — деб ҳикоя қилди **бирлашма бошлиғи Холиёр Қодиров.** — Барча ҳоналар талаб даражасида жиҳозланди. Саранжом-саришталик, даволаш ва даволаниш учун барча қулайликлар муҳайё. Шифокорлар ҳам беморларга ширинсўз...

— Бўлимимиз 1999 йилда ташкил этилган, — деб гапга қўшилди **олий тоифали жаррох, бўлим бошлиғи Маҳмуд Галаев.** — Йигирма нафар ходимдан иборат жамоамизнинг тўққиз нафари олий, тўққиз нафари биринчи тоифали врачлар. Икки нафар ўрта тиббиёт ходимимиз ҳам уларга камарбаста. Бўлимимиз ўттиз ўринли бўлиб, 10 таси жаррохлик, 10 таси ички касалликлар, яна 10 таси болалар хасталиклари учун ажратилган. Бир йилда 2000 нафардан зиёдроқ бемор ўз саломатлигини тиклаб чиқиш имконига эга. Масалан: 2007 йилда 2275 нафар бемор даволанган бўлса, улардан 1133 нафари ётиб, 1142 нафари эса амбулатория шароитида шифо олди. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида даволанганлар сони 1200 нафардан ошди. Шулардан 600 га яқини жаррохлик йўли билан даволанди. Келган беморлар биринчи ёрдам жараёнида бепул дори-дармонлар билан таъминланади...

Бизнинг изоҳ: туманнинг умумий ер майдони 2,8 минг квадрат километр. Тиббий хизмат доираси 120 километрга тенг. Бу дегани, ҳар бир квадрат километрга 99,7 нафар киши тўғри келади. Туман статистика бўлими маълумотларига кўра, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига туман аҳолиси 308,412 нафар киши бўлиб, шундан катталар 173216 нафар, ўсмирлар 21837 нафар, болалар 91133 нафар, туғиш ёшидаги хотин-қизлар эса 73931 нафарни ташкил этади. Ушбу давр ҳолатида ҳар бир врач қўлида 979 нафар, ҳар бир ўрта тиббиёт ходимида 143 нафар, бемор даволанган.

Ҳа, чироқчилик шифокорлар ўз касбларига сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Қолаверса, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги мавжуд даволаш профилактика муассасаларидаги шарт-шароитлар ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда 680 ўринли 8 та шифохона, ҳар бир навбатда 1530 қатновга мўлжалланган 24 та амбулатория, ўнлаб поликлиника муассасалари, жумладан 19 та ҚВП, 1 та ДСЭНМ, 4 та поликлиника, 1 та тиш даволаш поликлиникаси, сил касаллигига қарши диспансер, 1 та «Сано» хусусий шифохонаси, тез тиббий ёрдам бўлимлари намунали фаолият кўрсатмоқда.

«Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳамда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларни таъминлаш, шунингдек, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соҳага оид қатор давлат дастурларини бажариш, соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларни амалга ошириш, беморлар ва тиббиёт ходимларига керакли шароитлар яратиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги муассасаларда кейинги йилларда айтишга арзигулик ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги икки йилнинг ўзидаёқ Кўкдала қишлоқ участка шифохонаси ва 4-сонли поликлиника маҳаллий бюджет ҳисобидан тўла газлаштирилди. Вилоят ҳокимлиги ва республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2 та «Дамас» русумли тез тиббий ёрдам автомашинаси ажратилди. 1-туғруқ мажмуаси туман ҳокимлиги ҳомийлигида (54 млн. сўмлик миқдорда) таъмирланди. Мазкур маблағнинг 7,6 млн. сўми тумандаги саховатпеша ҳомийлар улуши бўлди. Марказий шифохонадаги ички дорихона ва қон қуйиш бўлими ҳам капитал таъмирланиб, жаҳон андозалари даражасига келтирилди. Бирлашманинг лаборатория бўлими замон талаблари асосида тўла жиҳозланди. Бу ишларга ҳам 7 млн. сўм маблағ сарфланди. Мустақиллигимизнинг 17 йиллик шодиёналари арафасида янги маъмурий бино ишга туширилди.



Ана шундай кенг кўламли ишлар натижасида бугунги кунда туманнинг чекка қишлоқлари аҳолиси ҳам сифатли тиббий хизматдан баҳраманд бўлмоқда. Стационар хизматни тартибга солиш ва уни янада яхшилаш мақсадида кейинги йилларда туман соғлиқни сақлаш тизимида қатъий тежамкорликка тўла амал қилинаяпти ва тежалган маблағ эвазига амбулатория, поликлиника хизматлари ривож топмоқда. Соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, 10 та ҚВП янгидан махсус лойиҳа асосида қайта қурилди. 9 та КВА реконструкция қилиниб, улар ҚВПга айлантирилди. Мутахассис кадрлар малакасини ошириш мақсадида «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» лойиҳаларига кўра, бир қанча ходимлар пойтахтдаги марказий илм масканларида малака ва тажриба ошириб қайтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги (2007 йил, 19 сентябрь) Фармони ва «Республика тиббий муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2007 йил, 2 октябрь) қарорига мувофиқ туман марказий шифохонаси туман тиббиёт бирлашмасига айлантирилди.

Мухтасар айтганда, Чироқчида аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида тиббий хизмат даражасини ошириш борасида кўпдан-кўп ибратли ишларга қўл урилмоқда. Чунончи, 2008-2012 йиллар давомида бу ерда 29 та ДПМлар янгидан қурилади, 14 таси реконструкция қилинади, 8 таси капитал таъмирдан чиқарилади. Бу ишлар учун 11,5 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган. Айни пайтда 5,5 млрд. сўмлик асбоб-ускуналар ва аппаратуралар келтирилиб ўрнатилиши ҳам мўлжалга олинган. Зеро, саломатлик — туман бойлик, деган таомилга эътибор бу.

Абдуғани СОДИҚОВ
Абдурасул ПАРДА.

Суратларда: *шифокорларнинг иш фаолиятидан лавҳалар.*

Тендерная комиссия ГАЖК

«УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»

объявляет тендер №8, 2008 года на приобретение новых крытых вагонов в количестве 100 единиц, график поставки (с 4 квартала 2008 года по 2 квартал 2009 года).

ОСНОВНЫЕ ТЕХНИЧЕСКИЕ ПАРАМЕТРЫ:

1. Грузоподъемность не менее 67 тонн.
2. Масса тары вагона не более 27 тонн.
3. Нагрузка не менее;
Статическая осевая — 230,3 (23,5) кН (тс)
Погонная — 54,29 (5,54) кН/м (тс/м)
4. Габарит 1-ВМ (0-Т).
5. Ширина максимальная 3266 мм.
6. Высота от уровня верха головок рельсов, мм;
максимальная — 4693
до уровня пола не менее — 1286
7. Количество осей — 4 шт.
8. Модель 2-осной тележки — 18-100
9. Наличие переходной площадки — нет.
10. Наличие стояночного тормоза — есть.
11. Объем кузова не менее — 138 м/3.
12. Внутренние размеры кузова, мм;
Длина не менее — 15724
Ширина не менее — 2764
13. Наличие торцевых дверей — нет.
14. Количество загрузочных люков боковой стене — 4 шт.
15. Размеры в свету (длина, ширина); загрузочного люка в боковой стене, мм — 614х365.
Двери, мм — 3973х2717.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Узбекистон темир йуллари» Управление «Темирйулёнилгитаъмин», комната 410 тел: 237-94-72, 237-96-33. Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ва Бекобод туман кенгашлари туман партия кенгаши раиси ўринбосари Тоҳир Дўсматовга отаси
Абдувосид ДЎСМАТОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика Нейрохирургия илмий маркази жамоаси марказ бош шифокори Дониёр Ботирович Миразимовга падари бузруквори, тиббиёт фанлари доктори, профессор
Ботир МИРАЗИМОВнинг
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Биз ва дунё

БУХОРО СЎЗАНАЛАРИ ГЛАЗГО МУЗЕЙИДА

Мустақиллик йилларида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантириш учун етарли шарт-шароит яратилди. Бу ҳунармандларимизнинг ижодкорона ишлашига, самарали фаолият кўрсатишларига кенг йўл очиб берди. Ҳунармандларимиз яратган амалий санъат намуналари юртимизга келаётган чет эллик сайёҳлар, санъатшуносларни маҳлиё қилиб қўймоқда ва улар орқали ўзбек бадиий ҳунармандчилиги шуҳрати дунёга таралаяпти. Бугунги кунда дунёда ўзбек бадиий ҳунармандчилиги намуналарни кўришга ва уни ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ошиб бораяпти.

З.Каримова Нур ал-Ғаланий билан

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Шотландия пойтахти Глазгодаги «Burrel Collection» музейида «Буюк ипак йўли жилолари — Ўзбекистон сўзаналарида» кўргазмасини ташкил этди. Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Глазго шаҳри мэри ўринбосари, маданият ва спорт агентлиги раҳбари Элизабет Камерон, Британия Кенгашининг Тошкентдаги ваколатхонаси бошлиғи Жереми Жейкобосон Бухоро сўзаналарига алоҳида тўхталиб, улар чинакам санъат мўъжизаси эканини ҳамда ўзбек аёлларининг нозик диди, нафосати, табиатга меҳр-муҳаббати унда ўз ифодасини топганини таъкидлашди.

Глазгодаги «Burrel Collection» музейи тўғрисида қисқача маълумот: шотландиялик тадбиркор ва санъатшунос Уильям Баррел ўтган асрнинг 30-йилларида Хитой, Миср, Греция, Шарқ мамлакатларида бўлиб, ранг-баранг гиламлар, миллий ҳунармандчиликнинг бошқа турдаги буюмларидан иборат бой коллекция тўплаган. 1944 йилда мазкур осори-атиқалар негизида «Burrel Collection» музейини ташкил этиб, 6 мингга яқин экспонатни санъат ихлосмандларига намойиш қилган.

Диққатга сазовор жойи шундаки, XIX асрда Бухорода тикилган 11 дона тўй сўзанаси бу коллекциянинг энг ноёб санъат асарларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўзбек чеварлари қўлида жило топган, миллий безак ва нақшлар акс этган бу сўзаналар музейнинг алоҳида залида энг қимматбаҳо экспонатлар қаторида сақланади.

Шотландия ижтимоий ҳаётида катта қизиқиш уйғотган ушбу кўргазмани ҳар куни юзлаб санъат ихлосмандлари келиб кўриб, завқ олишмоқда. Кўргазма доирасида «Ўзбек фотографияси — 125 ёшда» альбоми тақдимоти ўтказилиши, миллий чолғу ансамблимизнинг концертлар уюштириши шотландияликларнинг серқуёш диёримиз тўғрисидаги тасаввурларини янада бойитди.

Шунингдек, чеварларимиз ўзбек сўзаналари қандай тикилишини намойиш этишди. Бу мезбонларда катта таассурот қолдирди, улар ўзбекистонлик чеварларнинг Шотландияда амалий машғулотлар ўтказишини илтимос қилишди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси хорижликларнинг бу илтимосини қондириш мақсадида шу йилнинг баҳорида Қашқадарё вилоятида ўтказилган «Асрлар садоси» фестивалининг лауреатлари — бухоролик моҳир каштадўз, «Олтин мерос» халқаро жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Зулайҳо Каримова ва нуроталик чевар Рухсора Тўрақуловани Шотландия сафарига жўнатди.

— Ўзбек каштадўзлик санъатига чет элда қизиқиш ниҳоятда катта эканидан бошим кўкка етди, қалбим фахр-ифтихорга тўлди, — дейди Зулайҳо Каримова ижодий сафар таассуротлари ҳақида гапириб. — Музей залида ташкил этилган машғулотларимизда ҳар куни турли ёш, турли касбдаги хотин-қизлар гуруҳларга бўлиниб, иштирок этишди ва кашта тикиш сирларини ўрганишди. Мен уларга бухороча йўрмадўзи усулини ўргатган бўлсам, Рухсора опа Нурота каштадўзлик мактаби анъаналаридан сабоқ берди. Қисқа давр ичида мингга яқин хорижлик дугоналаримизнинг қўли кашта тикишга ўрганиб қолди. Уларнинг миллий ҳунармандчилигимиз асосларини ўрганишга астойдил ҳаракат қилганлари бизни ниҳоятда севинтирди.

З.Каримова инглиз аёлларига каштачилик сирларини ўргатмоқда

«Burrel Collection» музейи директори Мюрель Кинг ўзбек каштачилиги сирларини ўрганмоқчи бўлган аёллар кўпчиликни ташкил этгани учун музейдан бошқа муассасаларда ҳам шундай ўқув машғулотларини уюштирди.

— Айниқса, муслима аёллар масжидида ташкил этилган машғулотларимиз жуда қизиқарли бўлди, — дейди Рухсора Тўрақулова. — Ҳатто кийган миллий кийимларимизга ҳам улар қизиқиш билан қарадилар. Кийимларимиз андозасини сўрашди. Биз ҳунармандчиликнинг энг ажойиб намуналарини уларга эсдалик учун совға қилдик.

Халқимиз амалий санъатига қизиқиш чексиз. Буни усталаримизнинг Шотландияга ижодий сафарида ҳамроҳлик қилган мазкур музейнинг Ислом цивилизацияси бўлими раҳбари Нур ал-Ғаланийнинг фикри ҳам тасдиқлайди. Унинг айтишича, мамлакатнинг қатор минтақаларида маҳаллий каштадўзлар ўзбекистонлик чеварлар билан ҳамкорлик ўрнатиш режаларини тузишаётир.

Шотландияда ташкил этилган кўргазма, каштадўзларимиз томонидан ўтказилган машғулотлар ва бошқа тадбирлар миллий ҳунармандчилигимизнинг умрбоқийлигини яна бир бор намойиш этди. Хорижликлар билан ижодий алоқалар давомийлигини таъминлади.

«Burrel Collection»даги «Буюк ипак йўли жилолари — Ўзбекистон сўзаналарида» кўргазмаси келгуси йилнинг январь ойигача давом этади.

Феруза БАҲРОНОВА, Дилором ҲАЛИМОВА.

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги байрами арафасида юртимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозир ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан элюртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган юздан ошган бир гуруҳ табаррук отахон ва онахонлар Президентимизнинг Фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан мукофотландилар.

Улар орасида Андижон вилояти, Булоқбоши туманида истиқомат қилувчи Олияхон Ҳамроқулова ҳам борлиги бутун вилоят аҳлини бирдек қувонтириб юборди. Аянинг ҳовлиси уни табриклаш ниятида келган меҳмонлар билан бир неча кун гавжум бўлди. Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов ҳам хонадонга ташриф буюриб, у кишини самимий муборакбод этди.

— 7 нафар фарзанднинг онаси, 36 нафар набиранинг бувисиман, — дейди Олияхон Ҳамроқулова. — Мустақиллик туфайли мендек бир қишлоқ аёли қадрланиб, эъзозланмоқда. Илоҳим, мана шундай дориломон кунларга кўз тегмасин.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Суратда: *Олияхон Ҳамроқулова.*

Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

Ижтимоий ҳимоя

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Сурхондарё вилоят прокуратураси ташаббуси билан жорий йилнинг ўтган даврида ўттиз иккита меҳнат бозорлари ташкил этилди. Натижада 2 минг 64 нафар киши муқим иш ўринларига эга бўлди. Уларнинг асосий қисми ёшлардир.

«Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бугунги ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни муқим иш жойлари билан таъминлаш алоҳида назоратда. Бу борада вилоят ҳокимлиги, прокуратура ҳамда Бандликка кўмаклашиш марказлари ҳамкорликда ишлаётгани яхши самара бермоқда.

Жорий йилда вилоятда 16 минг 655 нафар йигит-қиз коллежларни тугаллаб, мустақил ҳаётга қадам қўйди. Бугунгача уларнинг 48 фоизи иш билан таъминланган инобатга олинса, бу қувонарли, албатта. Келажагимиз ворисларининг қолган қатламини ҳам касбга йўналтириш бўйича яқинда Денов маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида меҳнат бозори ташкил этилди. Унда Денов, Узун, Сариосиё ҳамда Олтинсой туманларидаги коллежлар битирувчилари иштирок этишди. Ярмарка давомида 100 дан ортиқ иш берувчи ташкилот, корхона ва муассасалар ўзларида мавжуд мингга яқин бўш иш ўринларини ёшларга таклиф қилишди. Шу куни ёшлардан 400 нафарга яқини иш билан таъминланди.

— Бундай тадбирларни йил давомида ташкил этиш мўлжалланган, — дейди Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Муҳиддин Қиёмов. — Шу пайтгача Жарқўрғон, Қизириқ, Олтинсой, Термиз, Қумқўрғон ва бошқа туманларда ўттиз иккита меҳнат бозорлари ташкил этилди. Натижада 2 минг 64 киши иш билан таъминланди. Кувонарли томони шундаки, ишга жалб қилинганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ТОШКЕНТДА ФРАНЦИЯ МЕЪМОРЧИЛИГИ

Тошкентда 18 сентябрь куни йигирманчи асрдаги Франция меъморчилиги хусусида ҳикоя қилувчи фотокўргазма иш бошлайди.

Ўзбекистон Миллий банки галереясида ташкил этиладиган фотокўргазмада Франциядаги давлат аҳамиятига молик, давлат томонидан муҳофаза қилинадиган бинолар, саройлар ва қасрлар суратлари намойиш қилинади.

Шунингдек, йигирманчи асрда барпо этилган ва шаҳарлар кўринишига ўзгача кўрк бағишлаган боғлар, дам олиш майдонлари, маданий марказларга ҳам кенг ўрин берилади. Таъкидлаш лозимки, ортда қолган йигирманчи аср, буюк бунёдкорликлар даври бўлиб ҳам тарих саҳифасида муҳрланиб қолди. Эътиборлиси, асрнинг бошларида қурилган бинолар меъморчилигида муҳташамликка ва улуғворликка ҳамда тарихийликка кўпроқ ўрин берилган бўлса, юз йиллик охирларида эса, қулайлик, шинамлик ва табиат билан уйғунлик қурилиш асосини ташкил эта бошлади.

Кўргазмада намойиш этиладиган фотосуратлар эса йигирманчи асрда Францияда барпо этилган бунёдкорлик ишларини атрофлича қамраб олгани боис айнан шу мақсадга хизмат қилади.

«Туркистон-пресс»

Китоб жавонингизга

«БЕМАЛОЛ ЯШАСАНГ БЎЛАДИ»

Бир одамни биламан. Ҳалол, бамаъни одам. Суҳбатида ҳикмат кўп. Адабиётга иштиёқим борлигини билгани учунми, менга китоб ҳақида доим гапиради. Ўзбек адибларидан Шуҳрат домла қаламига мансуб асарларни, айниқса, «Олтин зангламас»ни ўқишимни бир неча бор таъкидлаган. Ўзи кўп ўқиган одам-у, нимагадир шу романга меҳри бўлакча. Ҳатто катта фарзандининг исмини ҳам Содиқжон қўйган.

Шу маънода, адабиётимизга ўзининг улкан ҳиссасини қўшган жонкуяр ёзувчи Шуҳрат чинакам бахтли ижодкор эди. У бу мақомга нафақат романлари, балки Ватанни улуғловчи, миллатни мадҳ этувчи гўзал шеърлари билан ҳам сазовор бўлганди. Она юрт шаъни-шавкатидан сўзловчи поэзияси алақачон ганжи бебаҳо сифатида миллатимиз хазинасига, маънавиятимиз мулкига айланиб кетган.

Адибнинг яқиндагина Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган **«Бемалол яшасанг бўлади»** китоби ҳам бу ҳақиқатни яна бир бор исботлайди.

Ундан шоирнинг умр бўйи дилида ардоқлаб, баъзан ён дафтарига, баъзан қўлёзмасининг ҳошиясига битиб юрган жавоҳир — тўртликлари ўрин олган. Шоирнинг ўзи улар ҳақида соддагина қилиб: «Тўртликда ихчамлик, фикрни лўнда айтиш менга ёқиб қолди. Лекин булар рубоийлар эмас. Ҳамма рубоий ҳам тўртликдан юқори эмас. Мен рубоийнинг анъанавий қатъий шаклини сақлаб ўтирмадим, ўзимни эркинроқ тутиб, қофиялаш тартибини фикр-ҳиссининг оқиб келишига қараб тузавердим», — деб ёзди.

Китобни ўқир экансиз, ичингизга нур кириб бораётганини ҳис қиласиз, ёруғликни кўрасиз. Сатрларда шоирнинг Ватанга бўлган меҳри, муҳаббати, садоқати, дўстга фидойилиги, машаққатли ижод йўли сўқмоқларини илғайсиз. Ижодкор айрим тўртликларида ёрга девонаваш кўнгил изҳорини билдирса, баъзиларида ўзининг шуҳратона фалсафаси билан сизни чуқур ўйга толдиради, мушоҳадага чорлайди.

Қалбим, жисмим, руҳим ўзбек,
Фикри-зикрим, туғим ўзбек.
Бағрим очиқ, тилим ширин,
Кўрса мени ким ўзидек!

Шоир бу сатрлар орқали миллатни улуғлайди, ўзбек ҳеч кимдан кам эмаслиги, унга ўзаро ҳурмат-иззат билан қарашга ишора қилади. У умрнинг ҳар лаҳзаси гўзаллигига, ўтаётган ҳар бир дақиқанинг қадрига етишга ундайди. Шунингдек, инсон ҳаёти у яшаган йиллар салмоғи билан эмас, балки қилган эзгу амаллари билан ўлчанишини ифода этади.

Сен унинг ёшини қилма кўп такрор,
Умрни ёш билан ўлчамоқ бекор.
Бир онлик эзгу иш билан оламда,
Номини умрбод қолдирганлар бор!

Шоир қайси мавзуда қалам тебратмасин, юрак амрига қулоқ тутади. Инсоний фазилатларни улуғлайди. Ота-онани борида қадрлашга, дўстликни кўз қорачиғидай асрашга, муҳаббатга садоқатли бўлишга чақиради. Ҳаёт инсонни ҳар лаҳза синовга солиши мумкинлигини эслатиб туради. Ёш ижодкорларга эса сўз айтишда андишали бўлмоқ лозимлигини таъкидлайди. Зеро, унинг ўзи ҳам андишали инсон эди.

Бахт чашмам қошимда қайнаб турса ҳам,
Симириб ичмадим — тўйиб ҳамиша.
Гоҳо панд берарди баъзи бир одам,
Баъзида қилардим ўзим андиша!

Ишончимиз комил, миллионлаб дилларга меҳр-муҳаббат уруғини эккан атоқли адибнинг ушбу китоби бугунги навқирон авлоднинг ҳам кўнглидан мустаҳкам жой олиб, севимли асарига айланади. Унинг покиза булоғидан яна кўплаб авлодлар баҳраманд бўлиб, камолга етади.

Жасур ҲУСАНОВ

КЎК ТУРНА

Шингил ҳикоя

Қишлоғимизда оқтепа бўларди. Эмишки, бу тепадан бир вақтлар истеҳком сифатида фойдаланишган. Унинг ёнбағридан бир тегирмон сув ўтарди. Ариқ суви шарқираб оқиб тушадиган жойда, шундоққина жар ёқасида дала шийпони бўларди. Довдарахтлар билан ўралган бу соя-салқин даргоҳдан одам аримасди. Тушлик пайти, овқатга чорловчи занг урилганда, айниқса, гавжум бўларди бу ер. Лойдан ясалган супаларда эркаклар, сўри тагидаги алоҳида жойда аёллар, ариқнинг лабида эса ёшланглар ўтириб овқатланишарди.

Тепалик бағрида катта боғ ястаниб ётарди. Уни Муҳит отанинг боғи, дейишарди. Қарийб йигирма ишкомли токзорда узумнинг анвойи навлари бор эди. Отахон уста боғбон бўлгани боис, ҳар бир туп ток билан тиллашарди, дилдан суҳбат қурарди. Қўлидан токқайчи тушмасди. Тиниб-тинчимас қария бўш қолди дегунча тепаликка чиқиб кетарди. Муҳит ота нега тепаликка ҳадеб қатнайверади, у ерда нима бор экан, деган савол бизни қизиқтирарди. Биз, болалар бир куни унинг ортидан тепаликка чиқдик. Не кўз билан кўрайликки, тиконзор орасида қовунлар «бодраб» ётибди. На ариғи, на пуштаси бор. Қовунлар қаердан сув ичади, қаёқдан озуқа олади, деб ҳайрон қолдик. Кейин билсак, қария қовун уруғини янтоқ илдизига «экар» экан. Уруғ янтоқ илдизидан озиқланиб, палак отиб, ҳосил берар экан.

Бир кун шийпон ёнидаги дарахтга отни арқонлаб, ариқда қўлимни чайиб турганимда супада ўтирганлар мени чақириб:

— Муҳит отангнинг чайласида бўлганмисан? — деб сўрашди.

— Ҳа, нимайди?

— Қовунлари пишганмиш, сени меҳмон қилдиларми?

— Қанақасига пишади, ҳали сапча-ку, — деб муштимни кўрсатдим. Шийпонда ўтирганлар жавобимдан завқланиб кулишди. Шунда Муҳит ота мени ёнларига чақириб: — Сен борган куни шундай эди, энди катталашиб қолди, чайланинг орқасидаги янтоқ орасида тўрт дона қовун турибди, шунинг иккитасини олиб тушгин, — деб тайинлади.

Қовун ейдиган бўлдик, деб ёлғиз тепадаги чайла томон йўл олдим. Ҳамма ҳангома шундан бошланди. «Сапчани олиб тушибсан», деб бири айтса, иккинчиси: «Бу — бодринг-ку», дерди. «Бу бола қовун билан бодрингнинг фарқига борармиди», дерди яна бири. Мен хижолатда қолдим. Шунда Муҳит ота қовунни қўлига олди-да, «Ҳали буни еганда кўрасанлар», деб пичоқ қидира бошлади.

— Сўйманг, қўйинг, увол бўлади, — деб гапга аралашди табелчи.

— Сен бормидинг энди, қани пичоқни бер, — деб ота қовунни дастурхонга қўйиб, тилимлай бошлади.

Отахон қовунни тилимлар экан, пичоқ ёнидан шира оқа бошлади. Биринчи тилимни, «Ҳали сапча-ку», деганга бердилар. У: «Бай-бай, қовун деган шунақа ҳам ширин бўладими?», деб ея бошлади. Бошқалар ҳам қовуннинг таъмига қойил қолишди. Иккинчиси ундан ҳам етилган экан, асал бўлиб кетибди.

Шундан сўнг Муҳит ота ёш боладек қувониб кетди. Ҳаяжонини яширолмай қуйидаги ҳикояни айтиб бердилар.

— Эрта баҳорда бир турна шерикларидан қолиб кетди. Уч-тўрт кун янтоқ устида ётди. Олдига дон-дун ташлаб турдим. Қарасам, битта қаноти лат еган. Озгина у ёқбу ёғини тўғрилаб, тухумнинг сариғини суркаб қўйдим. Вақт ўтиб, қаноти тузалди, шекилли, силкита бошлади. Бир кун қарасам, учиб кетибди. Ўша янтоқни шартта кесиб, томирига кўкча қовуннинг уруғини экдим. Ёнидаги янтоққа эса шакарпалак уруғини қададим. Кейин билсам, бу икки қовун нави чатишиб кетибди. Кейинги йил эса бошқачароқ қовун пайдо бўлди. Яхшигина ҳосил берди. Уларни ўзим ҳам назарга илмай, ташлаб қўйдим. Кўм-кўк сапчада нима маза бўларди, деб ўйладим. Бир кун қовунга ишқибоз ўғлим чайлага чиқди. Кел, чанқоғингни қондир, дедим-да, битта қовунни сўйдим, асалдек чиқди, жонивор. Татиб кўриб, ҳайрон қолдим.

Ана шу қовунга ҳали учиб кетган жонивор ҳурмати «Кўк турна» деб ном қўйдик. Бу йил баҳорда худди ўша ердаги бешолти туп янтоққа яна экдим. Мана, ҳосилини бирга баҳам кўраяпмиз, — деб ҳикоясига якун ясади Муҳит ота.

Қовун пишиғида бозорга борсам, доимо қовуннинг «Кўк турна» навини қидираман. Тилими тилни ёрадиган қовундан татиганимда, янтоқда қовун ундирган Муҳит отани эсга оламан. Шундай омилкор инсонлар яшаб ўтган бу заминда...

Юнус ЗИЁДОВ, меҳнат фахрийси.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.50
Topshirilgan vaqti — 23.50
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda